



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Хорижий мамлакатлар етакчиларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига унинг жорий йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган сайловда давлат раҳбари лавозимига қайта сайлангани муносабати билан қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон Президентига янги зафарлар, мамлакатимиз халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари билдирилган.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу ғалаба Сизнинг ички ва иқтисодий сиёсатдаги ислохотларингиз натижасидир. Бу Сизнинг миллий давлатчилиқни мустахкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасидаги ташаббусларингиз ҳамда миллий манфаатларни минтақавий ва халқаро майдонда илгари суриш бўйича позициянгиз Ўзбекистон фуқаролари томонидан қўллаб-қувватланаётгани ифодаси ҳамдир.

Мамлакатнинг Сизнинг раҳбарлигингиз остида бундан буён ҳам жадал ривожланиши ва равнақ топишини тилайман.

Қозоғистон билан Ўзбекистон кўп асрлик ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик

анъаналарига асосланган ҳар томонлама стратегик шериклиқни мустахкамлаб боришига ва халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил тараққий этишига ишонаман.

Ўзаро ҳурмат ва англашувга асосланган дўстлигимизни юксак қадрлайман.

Келажақда халқларимиз фаровонлиги йўлида яна бир бор учрашишимизга умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва битмас-туганмас куч-гайрат, оилангизга бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман!

Самимий тилаклар ила

Нурсултон Назарбаев,
Қозоғистон Республикасининг
Биринчи Президенти — Элбоши



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Ўзбекистон Республикасида ўтган Президент сайловидаги ғалабангиз муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Овоз бериш натижалари Сизнинг мамлакат равақини таъминлаш, унинг халқаро майдондаги нуфузини изчил ошириш ва биродар ўзбек халқининг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган оқилона сиёсатингиз умумхалқ миқёсида қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Ишончим комил, Туркменистон билан Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро англашув тамойилларига асосланган дўстона ва илиқ муносабатлар бундан буён ҳам халқларимизнинг ёрқин келажиғи йўлида жадал ривожланишда давом этади.

Ушбу қўлай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат раҳбари лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан

Гурбангули Бердимухамедов,
Туркменистон Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига катта ишонч билан қайта сайланганингиз билан дилдан қўтлайман.

Умуммиллий овоз бериш натижаларига кўра эришилган дадил ғалабангиз Сизнинг Янги Ўзбекистонни — ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги улкан ютуқларга эришган, социал-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган, халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга сазовор мамлакатни барпо этиш ғоясини рўёбга чиқаришга қаратилган стратегик саяё-ҳаракатларингиз умумхалқ миқёсида қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Қозоғистонда Сизни қардош халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустахкамлашнинг катъий тарафдори сифатида билишади ва ҳурмат қилишади.

Ишончим комил, биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан икки томонлама стратегик шериклигимизни мамлакатларимиз ва бутун Марказий Осиё манфаатлари йўлида янада юксак даражага олиб чиқишга қодирмиз.

Кун тартибидagi барча долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун Сизни яқин вақтда Қозоғистон Республикасида давлат ташрифи билан келишга таклиф этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга Ватан ва халқ хизматидаги фидокорона фаолиятингизга янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат ила

Қосим-Жомарт Тоқаев,
Қозоғистон Республикаси
Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Қадрли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президентидек юксак лавозимга қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик, дўст Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти йўлидаги фаолиятингиз янада сермаҳсул бўлишини, биродар ўзбек халқига эса тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва равнақ тилайман.

Президент сайловидаги ишончли ғалабангиз Сизнинг мамлакатни изчил ривожлантириш ва халқаро майдондаги нуфузини мустахкамлашга қаратилган сиёсатингиз бутун халқ томонидан қўллаб-қувватлаётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

Мамлакатга раҳбарлигингизнинг навбатдаги даврида биродар Ўзбекистон бу йўлда янги чўққиларни забт этишига ишонаман.

Сизнинг Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик шаклидаги конструктив ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустахкамлаш борасидаги изчил интилишнингизни юксак баҳолайман.

Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан Тожикистон ва Ўзбекистоннинг самарали давлатлараро ҳамкорлигини бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги ва бутун минтақа манфаатлари йўлида илгари сураимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз муносабатларини янги амалий мазмун билан бойитишга биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканлимини билдираман.

Ҳурмат билан

Эмомали Раҳмон,
Тожикистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Қирғиз Республикасининг халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сайлов натижалари Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи Сизга юксак ишонч билан қараётганини яна бир бор яққол кўрсатди.

Сизнинг оқилона ва узоқни кўра биладиган раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон давлатчилиқни ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришишига қатъий ишонаман.

Мамлакатимизда Сизнинг Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш ҳамда Марказий Осиё халқларининг равақи йўлида минтақавий ҳамкорлиқни мустахкамлашга қўшаётган катта ҳиссангизни юксак қадрлашади.

Биз бундан буён ҳам сиёсий мулоқотни фаоллаштиришга, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик аънаналарига асосланган икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва мустахкамлаш устида биргаликда ишлашга тайёримиз.

Ушбу қўлай имкониятдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли давлат лавозимидаги фаолиятингизга янги муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан

Садир Жапаров,
Қирғиз Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан Сизни дилдан қўтлайман.

Сайловдаги ишончли ғалабангиз — Сизнинг мамлакат фаровонлиги йўлидаги сиёсатингиз биродар ўзбек халқи томонидан қўллаб-қувватлаётгани, ҳақиқий етакчи сифатида Сизга катта ишонч ва ҳурмат билан қараётганининг ёрқин ифодасидир.

Озарбайжон ва Ўзбекистонни халқларимизнинг муштарак маънавий қадриятларига асосланган дўстлик ва биродарлик муносабатлари чамбарчас боғлаб туради. Муносабатларимизнинг бугунги даражаси, ушбу мустаҳкам пойдеворга қурилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз қундан-қунга кенгайиб бораётгани катта мамнуният бағишлайди.

Бой миллий-маънавий қадриятларимиздан куч олаётган Озарбайжон — Ўзбекистон дўстлиги ва стратегик шериклиги биродар халқларимиз иродасига мувофиқ бундан буён ҳам юқорилаб, мустахкамланиб боришига ишонаман.

Хурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон Республикасининг фаровонлиги ва равақи йўлида олий давлат лавозимидаги фаолиятингизга янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан

Илҳом Алиев,
Озарбайжон Республикаси Президенти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!

Олий давлат лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончли ғалабангиз юксак обрў-эътиборингиз, сайловчиларнинг сизга бўлган ишончи баланд эканининг ёрқин ва шубҳасиз далили бўлди. Халқ кучли, мустақил, замонaviй давлат барпо этиш борасида танланган йўлга содиқ эканини тасдиқлади.

Сизнинг тажрибали раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишда, иқтисодий салоҳияти ва халқаро майдондаги ўрнини мустахкамлашда давом этади.

Умид қиламанки, яқин вақтда иккимиз шахсан учрашиб, икки томонлама ҳамкорлиқнинг жорий ва истиқболли йўналишларини муҳокама қилиб оламиз.

Ушбу қувончли фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, сиҳат-саломатлик, битмас-туганмас куч-гайрат ҳамда Ватан фаровонлигини кўзлаб мўлжалланган режаларингизга муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан

Александр Лукашенко,
Беларусь Республикаси Президенти

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

БУЮК ИШОНЧ КУНИ

“...Сенинг гўзал, нурли кўзингда бу миллатнинг саодатин, бахтин ўқудим”.

Абдурауф ФИТРАТ

Тарихий сиймолар ва ё бугун дунёдаги давлат раҳбарлари фаолиятига назар солсак, уларнинг муайян қисми халқни бўйсундириш ҳисобига мамлакатни мустахкамлашга ҳаракат қилишган. Ўзбекистон Президенти эса, улардан фарқли ўларок, халқнинг қалбини забт этди. Ҳа, меҳр, эъзоз, одамийлик, бағрикенглик, кеңчилилик, энг муҳими, фаровонликка асосланган сиёсат, тезкор, натижадор, амалий ишлар билан миллионлаб қалблар тўридан жой олди. Ўтган беш йилда биз, бутун халқимиз янги бир оламга қадам қўйганимизни англай бошладик.

Агар давлат ва жамиятни бир бутун жисм деб билсак, бугун бу жисмнинг ҳар бир аъзоси, бош томирларидан тортиб кўзга кўринмас капиллярларигача янги ҳаво етиб бораётди. Негаки, бу жисмдаги юрак бошқача ура бошлади, ундаги тафаккур ўзгача ишлай бошлади, ундаги қалб шид-

датли ғоя ва ташаббусларга байроқ бўла бошлади. Бутун ислохотлар халқ дарду ташвишини аритишга қаратилган “МЕХР” деган бебаҳо қадрият атрофидаги халққа айланди. Маънавият борасидаги ишларда сўздан амалга ўтилди. Президентимизнинг

“Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деган сўзлари исботини адабиёт, санъат, илм-фан, маданият, миллий қадриятлар деган боғлар гуллаб-яшнаётганида кўряпмиз.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbиркорлар муружаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари, шунингдек, вазирлиқлар, идоралар, тижорат банклари ва ҳокимликлар раҳбарларининг мазкур қабулхоналар орқали юборилган муружаатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишини таъминлаш борасидаги ишлари натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2021 йил 20 августда тadbиркорлар билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувда қўйилган талаблар бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ипотека банк” АТИБ, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг тadbиркорлар муружаатлари билан ишлашни самарали ташкил этиш ва мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида юқорида кўрсатиб ўтилган идораларда муружаатлар билан ишлашда йўл қўйилаётган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тadbирларнинг самарадорлиги ва тезкорлиги масалалари танқидий таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Бош вазирнинг Тadbиркорлар муружаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига келиб тушган 68 705 та муружаатнинг 67 220 таси кўриб чиқилиб, уларнинг 37 225 таси ёки 55,4 фоизи ижобий ҳал этилди.

Хусусан, муружаатларнинг 25 616 тасини (37,3 фоизини) — кредит, 8 610 тасини (12,5 фоизини) — ер майдони ажратиш, 2 530 тасини (3,7 фоизини) — рухсатнома ва лицензиялар олиш, 2 336 тасини (3,4 фоизини) — солиқ солиш, 2 054 тасини (3,0 фоизини) — газ, электр энергияси, сув билан узлуксиз таъминлаш, 1 713 тасини (2,5 фоизини) — бинолар ажратиш ва ижара тўлови масалалари, 25 846 тасини (37,6 фоизини) бошқа масалалар ташкил этди.

Тadbиркорлар муружаатларини кўриб чиқишда жиддий камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Мажлис якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, ҳар бир муружаат ўз вақтида кўриб чиқирилиши, уларда кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлаш, шунингдек, тadbиркорлар муружаатлари билан ишлашда раҳбарлар масъулиятини ошириш борасидаги тизимли ишлар ва назоратни кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА ЧЕКСИЗ МЕҲРИ ИФОДАСИ

2021 йил 24 октябрь куни мамлакатимизда улкан сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Бешта сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар ўртасида сиёсий рақобат муҳитида ўтган сайлов миллий сайлов қонунчилигимиз, унда белгиланган очкидик, ошқоралик, эркинлик ва адолат каби умумэътироф этилган демократик принципларга, халқроқ стандартларга тўла мос ҳолда кечди. 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ташкил этилган сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 80,12 фоизи Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевга овоз берди.

Бундай ёрқин ғалаба, ҳеч шубҳасиз, Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистон асосларини барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамларни ҳаётдан рози қилиш йўлидаги беқисс хизматлари, ички ва ташқи сиёсатда амалга оширилаётган тарихий ўзгариш ва ислохотлар ҳалқимиз томонидан кенг эътироф этилаётгани ҳамда фаоллик билан қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Шавкат Мирзиёевнинг сайловдаги ишончли ғалабаси муносабати билан Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарида юртдошларимиздан келаётган қўллаб-таъбир ва миннатдорлик мактубларида ана шундай руҳ эққол сезилиб турибди.

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзотос туманидаги “Эркиндарё” ОИГА қарашли Яқилбай овулидан Жиенғали Қалдибоев, шу туманининг “Қўқув” ОИИ **Шаҳмаман овулидан Гулбарчин Каримова**нинг мактубларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилда қайта ташкил этилган Бўзотос туманида кейинги икки йилда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, спорт майдони, Ёшлар маркази қурилгани, йўллар таъмирланиб, кўчалар чирой очгани, тўқимачилик корхонаси иш бошлагани билан кўп миллатли бўзотосликлар ҳаётида янги давр бошлангани, Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 21 сентябрь куни ўз сайловдаги урачувларини, энг аввало, Қорақалпоғистон дийёридан, хусусан, Бўзотос туманидан бошлагани кенжа туманининг кўп миллатли аҳолисига катта илҳом, куч-ғайрат бағишлагани таъкидланган.

“Шавкат Миромоновичнинг Президент сайловда ғалаба қозониб, яна бир бор давлатимизга раҳбар бўлгани учун буён маҳаллаимизда катта байрам қилиялмиз, — дейилади Андижон шахрининг Обод кўчасида яшовчи **Малоҳат Хўжамберишова** томонидан йўлланган мактубда. — Кексаларимизнинг кўллари дуода. Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга етакчи бўлиши билан раҳбарлар оддий халқни эшита бошлаганди. Нима муаммомиз бўлса, виртуал қабулхонага, Халқ қабулхоналарига айтаялмиз. Очик қабуллар, жонли мулоқотлар бўлмоқда. Обод қишлоқлар, обод маҳаллалар кўпаймоқда. Янги Андижон шахри, Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич яшайдиган ҳудудлардан бири бўлган вилоятимизда аҳоли учун янги-янгилар йўл-йўллар бунёд қилинаётгани буён барчамизга катта куч-ғайрат, эртанги кунга ишонч бағишламоқда. Биз ҳамма шундай инсонларвар, халқларвар сивасатни қўллаб-қувватлаялмиз”.

Ҳа, бугун одамларни фақат амалий ишлар билан ҳаётдан рози қилиш мумкин. Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бораётгани ислохотларнинг энг катта натижасидир. Чунки мақсад аниқ, тизим пухта, асос мустаҳкам бўлса, ҳаракат ҳаётида самара беради. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки тўб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазият-

нинг ўзи таққозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишлариға мос, унинг миллий манфаатлариға тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Пискент тумани “Алишер Навоий” маҳалласида яшовчи **Саидалим Саидхўжаев** ўз мактубида давлатимиз раҳбарини Президент сайловидаги яна бир ёрқин ғалаба билан самимий табриклар экан, халқимизнинг бу танлови замирида сўнгги беш йилда эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб бериш йўлидаги ислохотларнинг амалий натижалари мукжасам эканини таъкидлаган: “Бу сайлов натижалари ҳам охириг беш йил мамлакатимиз учун улкан ютуқ ва муваффақиятлар, шунингдек, ҳар биримизнинг ҳаётимизда учмас из қолдирадиган мислсиз янгиланишлар биллари сифатида тарих саҳифаларидадан ўрин олганини яна бир бор кўрсатди. Бу шиддатли ислохотлар улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари, инсон манфаатлари улуглангани ва халқ билан мулоқотининг янги тизими жорий этилгани билан ҳаётда ўзининг ёрқин ифодасини намоян қилди. Айниқса, халқроқ майдонда мамлакатимиз нуфузининг янада ошгани, дунёнинг энг тараққий этган давлатлари билан самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани таҳсинга лойиқ.

Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз сўнги беш йилда Сизнинг раҳбарлигинизда барча соҳада катта куч-ғайрат билан амалга оширилган тўб ислохотлар натижаларини халқимиз эътироф этгани, юксак баҳолаганидан далолатдир. Сизда кучли етакчилик салоҳияти, пухта раҳбарлик иқтидор, ватанпарварлик ва инсонпарварлик хислатлари мукжасам бўлгани учун ҳам барчамиз Ватанимиз ва фарзандларимиз келажаги учун хотирхажимиз.

Ҳаётда нимагаки эришган бўлсангиз, барчасига ўз билим-тафаккурингиз, қулу тун тиним билмай қилган меҳнатларингиз билан етишгансиз. Шунинг учун эл-юртимиз Сизга сунади. Дилдан ҳурмат қилади ва чин маънода “Халқ Президенти” деб атайдди.

Жонажон Ватанимиз равақи ва кўп миллатли халқимиз фаровонлиги йўлида бор билимингиз, улкан салоҳиятингиз ва куч-қувватингизни аямал сафарбар қилаётганингиз учун ҳам дунё янги Ўзбекистонни аяқдан танитиб қилади.

Миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила тўғрисида мустаҳкамлаш йўлидаги ислохотларингиз натижасида тотувлик, жипслик, фидойилик, инсонпарварлик, бағрикенглик фазилатлари буён ҳам ажодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтмоқда ва бу ҳар қандай синову машаққатларни енгиб ўтишингиз асоси бўлмоқда.

Сизнинг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рўҳдаи ташқи сиёсат юртиш борасидаги қатъий ўрдоангиз наикки мамлакатимиз, балки минтақадаги сиёсий иқтимага ҳам ижобий таъсир қилди. Марказий Осиёда мутлақо янги дўстона сиёсий муҳит, мамлакатимиз ён-атрофида хавфсизлик,

барқарорлик ва аҳил қўшнчилик муҳити шаклланди. Марказий Осиё давлатлари халқроқ майдонда яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатида намоян бўла бошлади. Халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстлик алоқалари мустаҳкамланди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ҳам эътироф этганидек, бундай яхши қўшнчилик муносабатларининг ташаббускори ва архитектори Шавкат Мирзиёевдир.

Биз қатъий ишонамиз: келгуси беш йилда ҳам янги Ўзбекистон барча жабҳада тараққиётинга юксак погоналарини забт этади. Шонли тарихимиздаги Учинчи Ренессанс пойдевори яратилади. Янги Ўзбекистон дунё тамаддунининг чорраҳасига айланади. Шу буюк мақсад йўлида барчамиз Сиз билан елка-елка туриб меҳнат қиламиз, камарбаста бўламиз. Бошланмаж барча хайрли ишлар муваффақият чўққиларини забт этаверсин!”

Наманган вилояти Чортоқ туманида яшовчи **Шерзод Сайфуллаев** ўз табригида: “Биз, шак-шубҳасиз, узонқи кўра оладиган энг етуқ сиёсий етакчини, оқил раҳбарни танладик. Дунё кундан-кун ўзгараётган, катта иқтисодиётда кучли рақобат юзава келаётган ва геосиёсатдаги ўта қалтис вазиятларда ҳам Сиз билан бирга Ватанимиз раёнақи учун ҳаммиса олдинга ишонч билан қадам ташлаялмиз. Сизнинг атрофингизда бир мушт бўлиб бирлашиб, янгица фикр, янгица дунёқараш, янги куч-ғайрат билан янги Ўзбекистонни — Учинчи Ренессанс пойдеворини албатта, бирга бунёд қиламиз”, деб таъкидлаган бўлса, **Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги “Шодлик” Қўйдан Гулмира Алимованинг** мактубида: “Хурматли Шавкат Миромонович, халқимизнинг яна бир юксак ишончи, меҳри ва албатта, Сиз беш йил олдин бошлаган кенг қўламли ислохотларга берган энг олий баҳоси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муборак бўлсин. Бу — халқимиз ғалабаси. Ўзимда ўйқ хурсанман. Сизнинг йўлингиз — бизнинг йўлимиз”, дейилади.

Ўтган беш йилда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида кластер тизими ўтилгани қиска вақтда соҳада кескин ўзгаришларга замин яратди. Жумладан, биргина пахтачиликда тонали қайта ишлаш 2,5 баробар ошиб, 100 фоизга етказилди, шунингдек, калава-ип ишлаб чиқариш 2 баробар, тайёр маҳсулот — 3 баробар ортди, экспорт йил якунига қадар 3 миллиард долларга етиши қутилмоқда. Пахта хомашёсидан тайёр маҳсулоттача бўлган сажирни яратиш бўйича 2 миллиард долларлик 125 та янги ишлаб чиқариш қуввати ҳамда 150 мингта доимий иш ўрни ташкил қилинди. Бу каби ҳаётли ютуқлар виртуал қабулхонага қайтиб ташлаётган мактубларда ҳам бот-бот таъкидланмоқда.

Жумладан, **ғиждувонлик Истам бобо Ҳантов** давлатимиз раҳбарини сайловдаги ёрқин ғалабаси билан ғиждувон туманидаги “Бухоро фойз текстиль” корхонаси жамоаси номидан табриклар экан: “2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифингизда илгарй сурган ташаббусларингиз амалий ишга айланди. Ғиждувон тумани-

даги собиқ пойабзал фабрикасига салоҳиятли инвесторлар 7 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган. Пахта хомашёсини калавага айлантирадиган бакуват корхона пайдо бўлди. Натижада 2019 йилда 3 миллион, 2020 йили 3,5 миллион, 2021 йилда эса 7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришдик. Корхонамизда 200 киши доимий ишли бўлди. Бунинг учун барчамиз Сиздан чексиз миннатдоримиз”, деб ёзилган.

Албатта, бундай табрик мактублари жуда кўп. Дейлик, **Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидан Райимберди Отажонов, Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани Шўргўзар қишлоғида** яшовчи **Шерзод Бўтаёров, Яккабўғ тумани Қататон қишлоғидан Муаттар Тўраева, Китоб тумани Деновobod қишлоғидан Саиджаббор Қурбоннов, Навоий вилояти Нурота тумани Ғозгон шахарча фуқаролар йиғинида** истиқомат қилувчи **Хўшаев Жўраева, Фаргона вилояти Қўқон шахри “Мисгарлик” маҳалласида** яшовчи **Мамура Нурматова, Фаргона шахридан Саида Бабажан, Тошкент вилояти Чирчиқ шахрида** яшовчи **Флюра Ҳакимзянова ва Наталья Гриневич, Тошкент шахри Мировobod тумани “Сарикўл” маҳалласидан Элана Токарёва, Олмазор тумани “Иброҳим ота” маҳалласидан Насиба Абдуҳамидова, Жизжаб вилояти Зомин тумани Қайрма қишлоғидан Раҳматилла Бегимкулов, Янгиobod тумани Хўжамушкент қишлоғидан Ойбек Бердикулов, Шароф Рашидов тумани “Хавастлик” маҳалласидан Жаҳонғир Нормуродов, Мирзачўл тумани “Ғалаба” маҳалласидан Нурмуҳаммад Нуралиев, пахтакорлик Дилфуза Умаркулова, Сурхондарё вилояти Сарисий тумани “Шахриобод” маҳалласида яшовчи Қурбонмурод Норкулов, Шеробод тумани Тароқли қишлоғидан Ҳилола Элмуродова, Олтинсой тумани Батож қишлоғида яшовчи Дилафрўз Қурбонова, Сирдарё вилояти Мирзобод туманидан Ҳасанбек Жўраев, Сайхунobod тумани “Нурли йўл” маҳалласида истиқомат қилувчи Жамила Худойкулова, Бухоро вилояти Когон тумани Деҳабод қишлоғидан Маҳмуджон Раҳимов, Олот тумани “Жайхунobod” маҳалласидан Мадамин Ёрматов, Андижон вилояти Марҳамат тумани “Пахтакор” МФЙдан Фотиима Имминова, Самарқанд вилояти Каттакўргон туманидан Умида Жамолова каби минглаб юртдошларимизнинг таъриқ ва миннатдорлик мактубларида ўтган беш йилда мамлакатимизда рўй берган тарихий ўзгаришлар, одамларнинг реал ҳаётида натижа берган ислохотлар босис, давлатимиз раҳбари Президент сайловида ёрқин ғалабага эришгани аниқ мисоллар билан эътироф этилган. Уларда сўнгги беш йилда пластик карталардан нақд пул ечиб олиш, ойлик ва пенсияларни ўз вақтида олиш, паспорт-виза, фуқаролик, прописка, уй-жой олиш, деҳқончилик учун ер ажратиш каби турли йўналишлардаги тизимли муаммолар ҳал қилингани, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари натижасида янги-янги массивлар қад ростлагани, ногиронлиги бор инсонлар ҳам уй-жой ва доимий иш билан таъминлангани, пандемия пайтида аҳоли кучли ижтимоий хомояга олингани учун самимий миннатдорлик билдирилгани.**

Муктасар айтганда, давлатимиз раҳбари номига йўлланган мактублар билан танишар эканмиз, юртимизнинг турли ҳудудларида яшаётган, ҳар хил соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг умумий бир хусусият — янги Ўзбекистоннинг бугуни ва келажагига бўлган қатъий ишонч, Президентимизга чексиз меҳр ва садоқат туйғулари бирлаштириб турганини чин дилдан сезамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси

адолатли, очик, ошқора, рақобат муҳитида ва, энг муҳими, демократик тамойиллар ва стандартларга мос тарада ўтказилганини таъкидлагани қайд этилди.

Ўзбекистон ЕХХТ ДИИХБ билан конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр экани, мазкур ташкилотнинг якуний ҳисоботи ҳамда Ўзбекистонда сайлов жараёнини янада такомиллаштириш бўйича тавсияларини диққат билан ўрғаниб чиқиши маълум қилинди.

Қатор дипломатия ваколатхоналари, хусусан, Озарбайжон, Буюк Британия, Европа Иттифоқи, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия миссиялари раҳбарлари Ўзбекистон тақдим этган ҳисобот якунида мамлакатни Президент сайлови муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги ислохотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мансабдор шахслар ҳисобидан даражасини ошириш ва коррупцияга қарши курашиш борасида қўрилаётган чора-тадбирларни оқшашини таъкидлади. Қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича конструктив қадамлар юқори баҳоланди. Ислохотларни изчил ривожлантириш ва тўлиқ амалга ошириш Ўзбекистонда демократик бошқарушни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиётни кенгайтириш имконини бериши қайд этилди.

“Дунё” АА,

Вена



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Бошланиши 1-бетда

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш самарадорлиги ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Мажлис давомида инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А.Войтов**, энергетика вазир **А.Султонов**, қишлоқ ҳўжалиги вазири **Ж.Хўжаев**, соғлиқни сақлаш вазири **А.Ҳожибоев**, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари **О.Хўжаев**, Тошкент шахри ҳокими ўринбосари **Ш.Раҳмонов**, “Ўзкимёсанот” АЖ бошқаруви раиси **Ж.Мирзамаҳмудов**, “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси **С.Саифназаровнинг** 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Инвестиция дастурига мувофиқ, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича жами **10,2 млрд. доллар** миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган ёки ҳисобот даврида ўзлаштириш кўрсаткичларининг баҳарлилиги прогнозга нисбатан **110 фоизга** таъминланган.

Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар **6,3 млрд. долларни** ёки прогнозга нисбатан **121 фоизни**, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари маблағлари **1,5 млрд. долларни** ёки прогнозга нисбатан **100 фоизни** ташкил этган.

“Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзэлтехсанот” уюшмаси, **Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шахри ҳокимликлари** томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни маблағлари асосан **энергетика, транспорт, қишлоқ ва**

сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, коммунал ҳўжалик соҳаларига, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ва таълим соҳаларига йўналтирилганлиги қайд этилди.

Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида қиймати **2,9 млрд. долларга** тенг бўлган **160 та** ийрик ишлаб чиқариш объекти ва қувватлари ишга туширилди ҳамда **24 мингдан** зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Мажлисида, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари маблағларини ўзлаштиришдаги камчиликлар қўриб чиқилди. Масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Хусусан, энергетика вазирининг биринчи ўринбосари **А.Аҳмадхўжаев**, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **А.Иноятов**, Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари **Д.Мадимиров**, Фаргона вилояти ҳокими ўринбосари **И.Эргашев**, Тошкент шахри ҳокими ўринбосари **Ш.Раҳмонов** шулар жумласидан.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотларининг маблағларини самарали ўзлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш белгилан олindi.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жорий йил якунига қадар ойма-ой ишга тушириш графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

етақик консалтинг компанияларни жалб қилган ҳолда иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг инвестицияга бўлган талабини ўрганиб, хорижий инвесторлар учун инвестиция лойиҳалари бўйича тақдирлар пакетларини шакллантириш;

тармоқлар ва ҳудудлар кесимида жалб қилинган ва ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобини юртишши такомиллаштириш бўйича тақдир ишлаб чиқиш.

САЙЛОВ — 2021

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Пандемия туфайли юзага келган мураккаб шароитга қарамай, илк бор янги Сайлов кодексига биноан, муқобиллик асосида, демократик руҳда, қонунийлик, шаффофлик, очкидик тамойилларига мувофиқ ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 16 миллиондан зиёд ёки 80,4 фойз сайловчи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб овоз берди. Бу, энг аввало, халқимизнинг мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар самарасига берган олий баҳосидир.

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 24 октябрь куни ўтказилган Президент сайловининг якуний натижаларига бағишланган навбатдаги мажлисида шу рақамлар келтириб ўтилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхўжаев ва бошқалар таъкидлаганидек, Президент сайловини қузатиб, таҳлил қилиб борган халқроқ ташкилотлар миссиялари, хорижий давлатлар қузатувчилари, маҳаллий ва чет эллик журналистлар мамлакатимиз сайлов қончилиги ва амалиётда қиска муддат ичида амалга оширилган муҳим ўзгаришларни алоҳида эътироф этди. Яъни халқроқ экспертлар фикрича, Ўзбекистонда эркин демократик сайловларни ўтказишга қодир замонавий ва барқарор миллий сайлов тизими яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги 14 та округ сайлов комиссиясидан сайлов округи бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомалар Марказий сайлов комиссияси аъзолари томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, сайлов кодекси ва тегишли низоом талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда расмийлаштирилган, деб топилди.

Мазкур баённомалар асосида аниқ бўлишича, Ўзбекистон бўйича сайловчиларнинг умумий сони 20 миллион 158 минг 907 нафарни ташкил этган. Сайловда 16 миллион 212 минг 343 сайловчи овоз беришда иштирок этган. Уларнинг 421 минг 176 нафар муддатидан олдин овоз берган. Шунингдек, 1 миллион 47 минг 358 та боғлётган фойдаланилган ва бузиб қўйилиб, бекор қилинган.

Сайловда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Баҳром Абдуҳали-

мовга 549 минг 766 нафар ёки сайловчиларнинг 3,39 фоизи, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевга 12 миллион 988 минг 964 нафар ёки сайловчиларнинг 80,12 фоизи, Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Нарзулло Обломуродова 670 минг 641 нафар ёки сайловчиларнинг 4,14 фоизи, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан номзод Алишер Қодировга 888 минг 515 нафар ёки сайловчиларнинг 5,48 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Мақсуда Ворисовага 1 миллион 75 минг 16 нафар ёки сайловчиларнинг 6,63 фоизи ёқлаб овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодексига мувофиқ ҳақиқий ва бўлиб ўтган деб топилди.

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев 2021 йил 24 октябрь куни муқобиллик асосида бўлиб ўтган сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 80,12 фойз овози билан беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди.

Халқимизнинг жипслиги, ватанпарварлиги ва эртанги кунга юксак ишончи, интилишининг кўзгусига айланган ушбу муҳим сиёсий тадбир натижалари янги Ўзбекистоннинг нуфузини янада юксалтириш, мамлакатимизнинг бугуни ва порлоқ келажагига хизмат қилиши шубҳасиз.

Баҳор ХИДИРОВА,

“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЕХХТ доимий кенгашида Ўзбекистон Президенти сайлови якунлари тўғрисида ахборот тақдим қилинди

Мамлакатимизнинг Вена шаҳридаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа халқроқ ташкилотлардаги доимий вакили, элчи Абат Файзуллаев ЕХХТ доимий кенгашининг навбатдаги йиғилиши доирасида 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови якунлари тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда ЕХХТ котибияти ва ташкилотнинг бошқа муассасалари раҳбарияти, барча 57 иштирокчи давлатнинг доимий миссиялари раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, мулоқот бўйича 11 та ҳамкор иштирок этди.

Ўзбекистон делегацияси ҳисоботида Ўзбекистон Президенти сайлови натижалари ҳақида Марказий сайлов комиссияси маълумотларига асосланган батафсил маълумот тақдим этилди.

Жорий сайлов Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги Ўзбекистонни шакллантириш бўйича ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дастурига ҳамоҳанг тарада ўтказилгани таъкидланди.

Ўзбекистонда сайловга биринчи марта жуда

кўп сонли халқроқ ва хорижий қузатувчилар



ДИЛДАГИ ГАПЛАР



Минҳожиддин МИРЗО, Республика Маънавий ва маърифат маркази раҳбари

Бошланиш 1-бетда

“Адолат ва ҳақиқат раҳбарингиз ва шиорингиз бўлсин, халқнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифагиздир” — Соҳибқирон Амир Темурнинг авлодларига қарата айтган бу сўзлари бугуннинг шиорига айланди. “Халқимиз эртага эмас, бугун яхши яшаши керак”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, яратган ҳам биздан рози бўлади”, деган халқчил даъватлар амалий ҳаракатга айланди. Бутун мамлакатда халқ дардини эшитиш, ислохотлар натижасини ҳар бир инсон ўз оиласи, ҳаёти мисолида ҳис қилсин, деган талаб давлат идоралари фаолиятини тамомила янгича ишлашга мажбур этди.

Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу байти бугун ислохотларнинг бош мезонига айланди, десам муболага бўлмас. Бугун ҳар қадамда бўлаётган ўзгаришларга нисбатан халқона бир хайратни эшитамиз: “**Э, бўлар экан-ку!**”. Ўсимда, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки йилларида Президент Матбуот хизматида ишлардим. Президентимиз Қирғизистонга ташрифи давомида неча йиллар, неча асрлар давомида жондош-қондош бўлиб яшаб келган халқларни дийдордан айирган икки давлат ўртасидаги чегараларни очиб ташаббусини илгари сурди. Тегишли вазирлик ва идоралар, ташрифда қатнашаётган Фарғона водийсининг учта вилояти ҳокимларига бугунқо чегараларни очиб бўйича топшириқ берилди. Мен сафаримиз ўша кун кечқурун ниҳоя топади, кейин бир соатлар чамаси Тошкентга учлади, сўнгра беш соатларда Андижон, Фарғона, Наманган вилояти ҳокимлари водийга етиб боради, қандай қилиб чегараларни бугун очиб мумкин, деб ўйлардим.



Сафар якунланди, Тошкентга келиб телевизордан ҳар уч вилоят хокими, қўшни давлат вилоятлари раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегараларни очгани, икки мамлакат халқининг қувончи, кўз ёшларини қўриб ҳайратда қолдим. Қандай қилиб ҳокимлар бу қадар тез етиб келишга улгурди? Кейин билсам, олий даражадаги учрашув якунланиши билан Андижон, Фарғона, Наманган вилояти ҳокимлари қирғизистонлик ҳамкасблари билан Бишкекдан тўғри ўшга учибди. Шунда беихтиёр кўзимга ёш келиб, бўғимизда ўша сўзлар отилиб чикди: “Э, бўлар экан-ку!?”

Ҳа, бўлар экан. Қўшни давлатдан келин бўлиб тушган, тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда яшаб, ўттиз йиллаб фуқаролик ололмай юрган етиши мингдан ортқ инсонга фуқаролик берса бўлар экан. Шунча йил коррупция ботқоғига бутан олий таълимда адолатли қабул тизими яратса бўлар экан. Йиллар давомида одамлар қийналиб қатнаган ўйим-чуқур, ёзда чанг, қишда лой бўладиган минг-минглаб кўчаларни асфальт қилса бўлар экан. Фермерларга ўзи етиштирган пахтани ўзи сотишига рўхсат берса бўлар экан, конвертацияни очса, нақд пулни бемалол йигирма тўрт соат давомида кўчада банкоматдан ечиб оладиган қилса ҳам бўлар экан. Кун давомида атиги бир соат электр бериладиган қишлоқларни чароғон қилса ҳам бўлар экан. Тўхмат билан иши судга ошган фуқароларни адолат билан шаънини ҳимоя қилса ҳам бўлар экан. Халқ ичида Иф қалъасидек ноҳуш тасаввур уйғотган Жаслик қамқоҳонасини ёпса ҳам бўлар экан... Қисқа вақт ичида бемисл журъат ва шиддат билан нақадар катта ишлар қилинди. Бу каби мисолларни қўп келтириш мумкин. “Сендан ҳаракат, мендан баракот” дегандай, Аллоҳнинг ўзи юртимизга барака ёғдираётгандай. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг қора рўйхатидан намунали рўйхатига ўтса ҳам бўлар экан.

БУЮК ИШОНЧ КУНИ

Бугунга келиб ҳаётимиз тубдан ўзгарди, Шавкат Мирзиёевнинг шиддатли ислохотчилик сиёсати нафақат Ўзбекистонни тараққиётнинг миллий юксалиш босқичига олиб чиқди, балки Марказий Осиёда ўзаро ҳурмат ва ишонч асосидаги янгича муносабатлар шаклланишига олиб келди. Бугун ислохотлар, муносабатлар янгича. Қарашлар янгича. Чунки ёндашувлар, ижролар янгича. Халқимиз кечаги одамлар эмас, онгимиз, дунёқарашимиз, фикрларимиз ўзгармоқда. Қадамларимиз салмоқли, интилишларимиз шиддатли, мўлжалимиз баланд, муродимиз юксак. Бугун янги Ўзбекистон қалби орзуларга лим-мо-лим тўла. Энг муҳими, бу орзуларнинг жуда тез суръатда рўёбга чиқаётганидир.

Инсон бахтли яшаши учун, аввало, унга бошпана керак. Уйсиз одам ўзини бахтли ҳисоблаши қийин. Шу маънода, ўтган йиллар давомида бир неча янги шаҳарга тенг уйлар қурилгани юртимизда бахтли хонадонлар сафини қўпайтиргани ҳақиқатдир. Уйлаб кўрайлик, қанча одам уй-жойли бўлди, уларнинг ичида оғир дардга чалинган, турмуш ўртоғи бевақт вафот этиб боқувчисиз қолган, ногирон ҳолатда йилларни йилларга улаб, ночор ҳолатда яшаб келаётганлари бор. Уйли бўлган одамларнинг кўзида ёнган қувонч, титраган лабларидаги шукроналик, миннатдорликни кўрганда яна ҳазрат Навоийнинг ҳикматга айлانган сўзлари ёдга келади:

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай, Онча борки, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” — бу “менинг халқим орасида бирорта камбағал бўлмаслиги керак”, деб азму шижоат билан ишга киришган жонқуяр давлат раҳбарининг белни маҳкам боғлаб майдонга чиқиши бўлди. Бу ута мушкул ишни ҳам амалга оширса бўлар экан. Унинг бераётган ижобий ҳосилаларини бугун ҳаммамиз қўриб турибмиз. Бу дафтарларни умумлаштириб битта сўз билан айтиш мумкин бўлса, мен уларни “Меҳр дафтари” деган бўлардим.

Кечиримликлик — энг олижаноб фазилат. Президентимиз топшириғига қўра, бағрикенглик, одамийлик билан қанчадан-қанча юртдошларимиз “қора рўйхат”дан чиқарилди — афв этилди, уларнинг нафақат ўзи, балки оиласи, фарзандлари, авлодлари таънаю маломатдан озод қилинди. Турмуш қийинчиликлари туфайли бошида суянчи йўқ, фарзандини боқаман деб ўзи билиб-билимай жиноят йўлига кирган қанчадан-қанча аёллар афв этилиб, оиласи бағрига қайтди. Онасининг иссиқ, меҳрли бағрига соғинч ва қувонч ёшлари билан талпинган болаларни қўриб, қалбимиз тўлиб кетган кунлар қўп бўлди. Давлатимиз раҳбари “Бугун бизга Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар етишмапти”, деган сўзларни қўп бора ўқинч билан тилга олади. Бу ҳақ сўз. Ватанпарварлик ва миллатпарварлик билан боғлиқ юксак маънавий эҳтиёж жуда катта оғриқ ва армон эканини дилдан ҳис қиламиз. Ўша пайтда ҳам доимо уларнинг ҳолидан хабар олиб турилганини яхши биламиз.

Президентимиз эътибори туфайли халқимиз янгидан англай бошлаган Абул Муин Насафий гўё минг йил шундай раҳбар келишини кутиб, Сузук ота унинг эътиборига муштоқ ётгандай. Қанчадан-қанча зиёратгоҳлар, қадамжолар обод бўлди. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф ҳазратлари тўла маънода халққа қайтди, масжид мажмуи бунёд этилди. Муқаддас ислом дини ҳақида қўп йиллар давомида эзгу сўзларни банд минбарлардан туриб айтдик. Аммо сўз бошқа, амал бошқа эди.

Ўсимда, давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига сафарларидадан бирода оқшом туша бошлаган пайт эди. Маҳаллама-маҳалла аҳоли билан дардлашиб юрилган чоғда муаззин азони эшитилди. Шавкат Мирзиёев суҳбатдан тўхтади. Шундан сўнг бу улғу чорловга эҳтиром билан бундай деди:

“Худого шукр, олдин азонлар эшитармидик? Қандай ёқимли! Ҳамма нарса ёпиқ эди, қўп нарса мумкин эмасди. Мумкин эмас, нимага мумкин эмас? Бу ҳам ўзлигимизни англаш, қадрият-ку! Ислон динини ўқиган, тўғри таҳлил қилган, тўғри йўл танлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Динининг буюклигини, инсонпарварлигини, эзгулигини тараннум қилишимиз керак. Бу ҳам бизнинг тарихимиз, эртанги кунимиз, ўзлигимиз...”

Ҳа, масжидларимизга, юрт шаҳару қишлоқларига азонлар қайтди.

2017 йил 19 сентябрь. БМТ минбаридан туриб ўзбек тилида сўзланган нутқин бутун дунё ҳамжамияти, қанчадан-қанча давлат раҳбарлари, ислом олами уламолари, жаҳон мусулмонлари, жумладан, Ўзбекистон халқи катта ҳаяжон, ғурур, шукроналик билан тинглади. Негаки, шу кун илк бор ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти билан бирга буюк ватандошимиз, улғу муҳаддис Имом Бухорий номи ушбу юксак минбарда унинг муносиб авлоди томонидан янгради.

“Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислон дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Ўйғо-ниш даврининг қўллаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчимиз. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига қўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган

Жараён



“Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бугун дунёда тан олинган. Бу улғу зотнинг гоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислон цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”.

Бу сўзлар миллионлаб, эҳтимол миллиардлаб дилларда акс-садо берди. Бу муқаддас динимиз, буюк аждодимизга нисбатан жуда катта эҳтиром эди. Бу жуда катта журъат ила муқаддас динимиз ҳимояси йўлидаги қатъий фикрлар эди.

Яна бир жиҳатда аминманки, Шавкат Мирзиёев “Амаллар ниятга боғлиқдир” деган муборак ҳадисни ўзига шиор қилиб олган. Нияти қутлуг инсонларнинг қадамлари ҳам шунга муносиб шижоатли, хайрли бўлади. Президентимизнинг ташаббуси, асосли журъати билан жаҳон тарихининг биринчи, иккинчи Ренессанслари бешиги бўлган дёримизда илму маърифатнинг қироқлари янада ёрқин порлаши, янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс оstonасига қадам қўйиши буюк уйғонишга даъватдир.



Гарчи, 1989 йилда она тилимизга давлат тили мақоми берилган ва бунни мустақиллигимизнинг бoш белгиси деб, таъкидлаб келган бўлсак-да, аждодларимиз қалби, руҳи, орзу-интилишлари ганжина асарларнинг харфу сўзларига сингиб кетган тилимизнинг қадди, қадри кейинги икки-уч йилда чинакамига тикланиш даврига кирди. Бағрикенг Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳасида ўзбек тили нуфузи энг юксак поғонага кўтарилдики, бунинг ифтихорли далили — БМТ минбаридан дунё ахли ўзбек тилидаги маърузаларини тинглади. Айтиш мумкинки, бу юксак минбардан илгари сурилган умумбашарий фикр ва таклифлар қанчалар эзгу, жаҳоншумул бўлса, уларнинг ўзбек тилида ирод этилиши яна бир улғу воқеадир.

Давлатимиз раҳбари халқ розилигини олишни фаолиятининг бош мақсади деб билди, бу қутлуг ният йўлида қилаётган изчил ишлари билан халқ қалбига кириб борди. Бугун дёримизнинг барча худудларида одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун яратилаётган шароитлар, имкониятлар самараси хонадонларга ободлик, тўқинлик, шукроналик бахш этмоқда. Бир эътирофни қайд этгим келади: кейинги йилларда жаҳамиятимизда илгари ҳеч қачон қузелтилмаган ҳолат — инсонлар руҳиятида мамлакатнинг энг олий даражадаги раҳбари билан яқинлик, бирдамлик туйғуси шаклланди. Буни каттаю кичик йўғинларда қўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Оғир синовлар халқнинг барча тоифаси, каттаю кичиги учун ҳаётий имтиҳон, деса бўлади. Пандемия синовларида ер юзи аҳолисининг “йўғони чўзилди, ингичкаси узилди”. Айтиш мумкинки, шундай мураккаб бир пайтда Ўзбекистонда меҳр-мурувватли, жиддий таҳлилларга асосланган оқилона сиёсат туфайли бу оғир дардга чалинганлар, уларнинг яқинлари доим эътиборда, ғамхўрликда бўлдилар. Бешафқат коронавирусыга чалиниб, ҳаёт-мамот курашини бошидан ўтказган минг-минглаб юртдошимиз бугун сўзлари, қўллари билан малҳам бўлган тиббиёт ҳодимларини, шифохоналарда яратилган шароит ва имкониятларни кўзларда ёш билан эътироф этмоқдалар.

Октябрь ойи ўрталарида ҳаво ҳарорати бирдан пасайиб, бир неча кун ёғингарчилик бўлди. Шунда ҳаёлимдан октябрдаги ҳаво ҳам декабрдагига ўхшаб қолди, сайлов сентябрда бўлганда яна ҳам яхши бўлармиди, деган уй ўтди. Лекин 24 октябрь кунги ҳавони қўриб, кўнглим очилиб кетди. Қуёшнинг заррин нурлари олтин

япроқларда аксланиб, ҳаммаёқ ёришиб кетгандай бўлди. Бундай пайтда катталар “Аллоҳнинг ўзи ҳам қарашди”, дейишади. Ҳақиқатда ҳам бу кун байрам бўлди. Кўчада сайловга кетаётган одамларни, телевизор орқали халқимизнинг фаоллигини қўриб, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Ўша кун овоз бериб бўлгач, оилавий “Фарҳод” бозорига тушдик. Қассоб йигит: “Ака, сайлов соат нечагача давом этади”, деб сўраб қолди. Мен уларга 20.00 гача бўлишини айтдим. Шунда у йигит: “Хизматчилик-да, мен эрталаб 4 да бозорга чиққанман, соат 17 ларда ишимни тугатиб овоз беришга борсам, улғулар эканман”, деди мамнун ҳолатда.

Сайлов ҳақида қўп ёзилапти, айтилапти, телевизор орқали халққаро қузутовчиларнинг фикрлари бериллапти. Ҳатто бундай жараёнларга ҳаммиша ўта жиддий қарайдиган халқаро ташкилотларнинг қора кўзойнақлари ҳам бу гал иш бермади. Ҳақиқат ойдаи равшан турибди-ку, қандай қилиб ёмонласин. Уларнинг самимий эътирофларини эшитиш, албатта, бир фуқаро сифатида ҳар биримизни қувонтиради. Ҳа, Президент сайловга халқни янада бирлаштирди. Бу жараёнда мен яхлит бир бутунлиқни кўрдим, қалбим ҳис қилдим. Ҳаёлимдан “Халқим деб ёнми-қўйиб меҳнат қилган етакчи шу халқни бирлаштирувчи байроққа айланар экан”, деган фикр ўтди.

25 октябрь, “Хумо” аренаси. Бу жойдаги монитор Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказига уланди. Аренага ғулдурос қарсақлар остида Шавкат Мирзиёев кириб келди. Комиссия раиси сайлов натижаларини таҳлил қилди. Навбат сайлов якунлари бўйича номзодлар олган овозларни эълон қилишга етиб келди. Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят тарихий эълон янгради, томоғимга бир нарса тикилди, кўзимга тирқираб ёш келди. Қарсақлар, ҳаяжонли сўзлар, хилпирётган сонсиз байроқлар — бари бир зумда халқнинг қудратли қувончи акс-садосига айланди.

Шу кун мен “Мустақиллик”, “Президент”, “Халқ”, “Миллат”, “Қадр”, “Меҳр” деган улғу сўзлар бирлашиб, “Янги Ўзбекистон” деган қадриятга айлانганини кўрдим.

Дунёда Президентлар қўп. Улар мени кечирсинлар-ку, қўпчилигининг туфлиси йиллар давомида чанг кўрмайди. Ўзбекистон раҳбари эса, ҳаммиша халқнинг ичида. Унинг учун ҳар кун олий вазифага борадиган йўл халқ қалби, юраги, ҳаёти орқали ўтади. Янги барпо бўлаётган уйлар, боғлар, қорхоналар, мактаб ва боғчалар... Давлатимиз раҳбари халқнинг дардини уйлаб, гарчи режада бўлмаса-да, йўлини юриб бўлмайдиган кўчалар, ертўлалар, ташландик худудлар сари солади. Қўрдик-ку, нафақат вилоятлар, Тошкент шаҳрининг ўзида қанча омонат уйлар, чиқиндига тўлиб кетган кўчалар, ташландик ҳойлар бор экан. Сезиб тураман, қани имкон бўлса-ю, Шавкат Мирзиёев барча кўчаларга кириб чиқса, барча муаммоларни тезроқ халқ қилса, одамларнинг ғамдан эзилган юзларига қувонч югурса, ҳамма бахтли ва фаровон бўлса. Жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, яна бир муҳим нарса — ажримлар бўлмаса. Ажримлар тўғрисида фактлар у кишининг қалбини қанчалар титратишини, оғиритишни халқимиз сезиб туради.

Президент Матбуот хизматида ишлаб юрган пайтимдаги яна бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Тошкент вилоятидаги ташриф мо-байнида Бекобод шаҳрига келинди. Бир неча объектдан кейин янги қурилган мактабгача таълим муассасаси томон юрилди. Боғчага киришда шундай қарши томондаги хонадон эшиги тағида тўшақлар ёзилган узун ўриндиқлар турарди. Лекин атроф кимсасиз. Аён бўлдики, ўша хонадон улғуларидан бири вафот этган бўлиб, бутун маҳалла-қўй майитни дафн этгани қабристонга кетган экан. Боғчадаги танишув тугади, бошқа объектларга борилди. Режадаги ишлар ҳаммаси бажарилиб, Тошкент шаҳри томон юришимиз керак эди. Бирдан кортеж ортга қараб юрди, яна боғча қўрилган маҳалла томон бурилди. Давлат раҳбари машинадан тушиб, азали хонадон сари юрди. Ҳамма шошиб қолди. Бизга тасвирга олувчи камералар шарт эмас, деган ишора берилди. Машинадан тушимиз, ўзқондан бўлса-да, қузатиб турдим. Шавкат Мирзиёев қўли кўксига ҳовлига яқинлашиб, азадорлар, ўриндиқларда ўтирган маҳалла аҳли билан саломлашди. Ўтганлар



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ “БУГУН БИЗГА ЭРКИН ВОҲИДОВ, АБДУЛЛА ОРИПОВЛАР ЕТИШМАЯПТИ”, ДЕГАН СЎЗЛАРНИ КЎП БОРА ЎКИНЧ БИЛАН ТИЛГА ОЛАДИ. БУ ҲАҚ СЎЗ. ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛАТПАРВАРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЮКСАК МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ ЖУДА КАТТА ОҒРИҚ ВА АРМОН ЭКАНИНИ ДИЛДАН ҲИС ҚИЛАМИЗ. ЎША ПАЙТДА ҲАМ ДОИМО УЛАРНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИБ ТУРИЛГАНИНИ ЯХШИ БИЛАМИЗ.



ҳақиқга бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Хонадон аҳлига таъзия билдириб, тасалли бериш билангина қифояланмади. Эски, пасткам бу уйда яшовчиларнинг энг катта муаммоси — уй-жой масаласи ўша ерда ҳал қилинди. Қўллар дуога очилди... Биламан, бундай воқеалар Президентимиз фаолияти домида жуда кўп бўлади, лекин раҳбарнинг ўзи уларни кўрса-тишларини истамайди. Негаки, кўрсатиш учун эмас, қалби буюрган, виждони амр этган ишни қилади.

Шавкат Мирзиёев қўпича армон ва ўқинч билан жадидлар тўғрисида сўзлаб, агар машъум қатагонлар бўлмаганда Учинчи Ренессанс жадидлар даврида содир бўларди, дейди. Шунда уйлайман, қани энди жадидлар даврида мана шундай мард, халқпарвар, миллатпарвар, бутун халқни бирлаштира оладиган йўлбoчи бўлганда бугунги Ўзбекистон тамомила бошқача бўлармиди? Туркистон қайғуси қайғулигича қолиб кетмасмиди?! Бир таскин бор, қўпича давлатимиз раҳбарининг ёниб сўзлаётган ҳолатларини қузатаман-да, қалбида, сўзида, кўзида ўша жадидлар нафасини туйғандек бўламан. Қалбида ўша буюк миллат дардини ҳис қиламан. Хайрат билан Абдурауф Фитратнинг қайноқ сатрларини юракдан ўтказаман:

Оғир йўғит, сенинг гўзал нурли кўзингда Бу миллатнинг саодатин,

бахтин ўқудим.

Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзингда Бу юрт учун қутулишининг

борлигин кўрдим.

Турма — югур, тинма — тириш,

буқилма — юксал!

Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Бу халқнинг ғурури, ори, ҳамияти 130 йил давомида турли баҳоналар билан қайта ва қайта синдирилди. Мутелик ботқоғига боттирилди. Руҳлар синди, қалблар лат еди. Энди бу миллатнинг уйғонадиган, қаддини қутарадиган давр келди. Президентимизнинг ҳар бир сўзи моҳиятида мен: “Эй миллат, уйғон, уйғониш замонинг келди, дунёга ўзингни кўрсат, сўзингни айт, илму шууринг, қудратингни намoён эт!” деган хитобларни уққандай бўламан. Беихтиёр шивирлайман:

Сано айтиб келган гуёҳлар, Эй топталиб чўккан тоғларим, Энди қадни тиклангиз дейман, Гуллаш пайти келди, боғларим!

Давлатимиз раҳбари бир кун юксак минбардан туриб жадидлар оқсоқоли Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ҳақ олинур, берилмас!” деган сўзларини тилга олди. Янги Ўзбекистонни шундай етакчи раҳбарлигида бунёд этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, Буюк Турон, қадим Туркистоннинг қалбига айланиш бизнинг ҳаққимиз! Дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига кириш, юксак эътироф ва эҳтиромларга сазовор бўлиш бизнинг ҳаққимиз!

Президентлиikka номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашув сўнгига айтган сўзларини эслаб бир хайратимга ўн хайрат қўшилгандек бўлади: “Биз тўхтамас-лигимиз керак, тўхтасак ўтириб қоламиз, ўтирсак, ётгимиз келади, ётсак, ухлаб қоламиз!”. Бу чинакам уйғонишга даъват, бу шиддат отига минган чавандознинг сўзи. Бу сўзлар ҳар бир миллатпарвар ижодкорга илҳом бериши табиий.



... Ўзьяман, ёзьяман, қаламим тўхташни билмас, тўғриси, тўхтагиси келмайди. Ахир беш йилдаги тарихий ўзгаришларни бир мақолага сиғдириб бўладими? Қанча китоб бўлади? Энг муҳими, бу китоблар бутун ҳар бир инсон қалбида бор — буларни жамласа 35 миллион жилд бўлади. Бу китобнинг номи эса, “Қадрнома” бўлади. Бу улкан кутубхона эса, “Янги Ўзбекистон” деб аталади.



Кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларда кластерлар таянч ва локомотив вазифасини ўтаётир. Бу тизим қисқа муддатда катта янгиланишларга замин ҳозирлайди. Хусусан, юртимизда етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлаш 100 фоизга етказилди. Калава-ип ишлаб чиқариш 2 баробар, тайёр маҳсулот 3 баробар ортди. Экспорт йил якунига қадар 3 миллиард долларга етиши кутиляпти.

Кунги кеча давлатимиз раҳбари раислигида қишлоқ хўжалигида кластерлар тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда шу каби ютуқлар эътироф этилиши баробарида тизимда кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ҳам ижобий ечим топилади.

— Айтиш жоизки, мазкур йиғилиш биз, соҳа вакиллари учун жуда катта янгилик бўлди, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов. — Шундай ҳолат бор эдики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш цикли билан уни молиялаштириш жараёни бир-бирига мутаносиб эмасди. Масалан, ерни кишига тайёрлаш октябрь ойидан, молиялаштириш январь ёки февралдан бошланарди. Йиғилишда ана шу эски тизим энди тўлиқ ўзгариши таъкидланди. Бундан кейин қишлоқ хўжалигида молиялаштириш-кредитлаш шугдор даврдан, яъни октябрдан бошланадиган бўлди. Бунинг аҳамияти шуки, энди соҳадаги кластерлар, фермерларда олдидан ҳамма нарсани олишга маблағ пайдо бўлади.

Авваллари кластерлар томонидан пахтани экиш, териб олиш, бирламчи ва чуқур қайта ишлаб, ундан қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига сотиш 3-3.5 йил муддат оларди. Ҳозир шундай тизим яратилдики, молиялаштириш 11 ойга эмас, 24 ойга белгиланди. Яъни кластерларга кредитлар 24 ой муддатга ажратилиб, унинг имтиёзли даври амалдаги 11 ойдан 18 ойгача узайтирилди. Яна бир янгиллик. Энди четдан олиб келинадиган ўғит, ёқилғи мойлаш ва бутлаш материаллари, техникага қўйилган чекловларнинг бари олиб ташланди. Бу каби имтиёзлар қишлоқ хўжалиги, кластерлар ривожланиши учун жуда катта имконият.

Бухорода илк бор ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери ҳам Ўзбекистонда илк турдаги қалдирғоч тузилма



бўлиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоянинг дастлабки амалий натижасидир.

— Агар тармоққа инновацияларни кенг татбиқ қилиш, заминимизда етиштирилаётган хомашёни ўзимизда чуқур қайта ишлаш бугунги замон талаби, — дейди "BCT Cluster" таъсисчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи М.Раҳматов. — Зеро, қишлоқ хўжалиги қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади. Халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Шу боис, Ўзбекистонда кейинги йилларда илгор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратилляпти. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бирини Бухоро вилоятида амалга оширялмиш. Жумладан, "BCT Cluster" давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, пахта етиштиришдан тортиб уни чуқур

қайта ишлашгача бўлган барча технологик занжирни тўлиқ бирлаштирган мажмуадир. Ромитан туманидаги **8 000 гектар** майдонда пахта етиштирилса, тола Бухоро шаҳрида бунёд этилган замонавий тўқимачилик мажмуасида қайта ишланади. Ушбу йирик лойиҳамизни амалга ошириш учун жами **106,5 миллион** АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Занжири ишлаб чиқаришнинг охириги халқаси ҳисобланадиган "Bukhara Cotton Textile" корхонаси учун эса **65,2 миллион** АҚШ доллари миқдоридидаги инвестиция йўналтирилди. Натижада Бухоро шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинати ҳудудда замонавий ишлаб чиқариш объекти пайдо бўлди.

Бешта фабрикани бирлаштирган мажмуа

Ушбу йирик тўқимачилик фабрикаси хорижий давлатларда ҳам миқозларга эга. Таркибда 5 та — йиғирув, бўйш, тўқимачилик, жинси матосига ишлов бериш, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикасини бирлаштирган мажмуанинг умумий майдони 10 гектардан иборат. Корхона **Германия, АҚШ, Бельгия, Франциянинг** етакчи компанияларида тайёрланган энг замонавий технологик линиялар, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган.

Кластер томонидан йилга ўртача 26 минг тонна пахта хомашёси тайёрланади ва уни бирламчи қайта ишлаш орқали **9100 тонна** тола олинади. Тола эса "Bukhara Cotton Textile" корхонасида қайта ишланиб, ундан дастлабки босқичда **8450 тонна** калава-ип йиғирилади. Кейинги босқичларда эса **15 миллион** погон метр "Деним" жинси матолари тўқилади ва қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотга айлантирилади. Яъни ташки ва ички бозорда рақобатдош бўлган жинси либослар тикилади.

Хорижда 100 та савдо тармоғи очилади

— Корхонамиз айни пайтда йилга ўртача 12,5 миллион дон "Деним класс" ва "Деним стрейч" шими ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёр маҳсулотимизнинг 80 фоизини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Кластер томонидан Ўзбеки-

тонда биринчи миллий жинси бренди — "B Jeans" яратилгани эса навбатдаги ютуғимиз бўлди. Харидорларга ушбу ёрлиқ остидаги жинси либослар етказиб бериш мақсадида **Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон ва Фарғона** вилоятларида кластер савдо тармоқлари ишга туширилди. Бу эса занжирли ишлаб чиқаришнинг энг муҳим бўлган якуний халқаси боғланганидан далолатдир, — дейди иқтисодиёт фанлари доктори **Муртазо Раҳматов**. Кластер яқин келажакда мамлакатимиз бўйича 50 та ана шундай савдо дўкони очишни мақсад қилган. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг чет элдаги элчионалари кўмағида хорижда **100 та** савдо нуқтасини ишга тушириш ҳам режалаштирилган. Айни вақтда **Тожикистон, Қозоғистонда** савдо мажмуалари фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин кунларда **Чехия, Россия** давлатларида ҳам очилади. Бундай савдо тармоқлари **Европа ва Болтиқбўйи** давлатлари, **Япония** ва ҳатто жинси ватани бўлган **АҚШда** ҳам иш бошлаши режалаштирилаётгани юртимиз равнақида муҳим аҳамият касб этади. Бу миллий брендларимиз тез орада дунё бозорларини эгаллашдан бир нишондир.

"B Jeans"нинг илк намоишдаги муваффақияти

2020 йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданий мерос ҳафталиги доирасидаги "Миллий либослар — янги ренессанс дурдоналари" модаль намоишда биринчи ўзбек жинси бренди ҳисобланган "B Jeans" либослар коллекцияси илк намоишидаёқ катта муваффақият қозонди. "BCT Cluster" жинси матолари асосида яратилган либослар 40 дан ортқ мамлакатдан келган соҳа мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Ўзида табиийлик, қўлайлик ва хашамини муваффақият "B Jeans" коллекцияси "Ўзбек миллий либослари аънаоналарини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун" махсус дипломга лойиқ қўрилди.

Таъкидлаш жоизки, "Bukhara Cotton Textile" корхонасида ишлаб чиқарилаётган жинси матолар рангининг табиийлиги билан ҳам ички ва ташқи бозорда устуниликка эга. Ишлаб чиқаришда зарур бўладиган табиий бўёқ олиш учун эса хо-



риждан индигофера ўсимлиги уруғлари олиб келиниб, ўзимизда етиштириш йўлга қўйилган ва пировардида шу ернинг ўзида табиий бўёқ олишга муваффақ бўлингани яна бир юксак натижадир.

Давлатимиз раҳбари жорий йил январда Бухоро вилоятига ташрифи давомида "BCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластерининг "Bukhara Cotton Textile" тўқимачилик корхонаси фаолияти билан ҳам танишган эди. Президентимиз тола-ни чуқур қайта ишлашга ихтисослашган ушбу корхонадаги иш жараёни, маҳсулотлар сифатини кўздан кечириб, жамоа меҳнатини юксак баҳолади. Маҳсулотлар турини кўпайтириш, дунёга машҳур брендлар билан ҳамкорликда кийим-кечаклар ишлаб чиқариш бўйича таклиф ва қимматли маслаҳатлар берди. Бу эса кластерда меҳнат қилаётган 6 минг кишилик жамоанинг ишчанлик кайфиятини кўтарди, ўз ишига бўлган меҳрини янада оширди.

Дунёга машҳур брендлар билан ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбари топириғидан келиб чиқиб, кластернинг галдаги режалари ишлаб чиқилиб, устувор вазифалар белгиланган бўлиши. Агар ҳозирги кунда 35 турдаги ва юзлаб моделдаги жинси либослар ишлаб чиқарилаётган бўлса, бозор талаби, харидорлар истигадидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг тури камида

икки баробар оширилади. Бундан ташқари, халқро брендлар билан ҳамкорликда кийим-кечаклар ишлаб чиқариш мақсадида чет эл компаниялари билан музокара-лар олиб бориляпти. Бу эса ҳозирданёқ ўзининг самарасини бера бошлади.

Президент ташрифидан сўнг корхона "Collins" компанияси билан шартнома имзолади. Унга кўра, ҳамкорликда жаҳон бозоридида талаб юқори бўлган жинси кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, "DeFacto", "Carrera Jeans", "LCWaikiki", "Inditex Group", "Zara" сингари халқро брендлар билан кечаётган музокара-лар ҳам якуний босқичга келди ва улар билан амалий келишувга эришилиши кўтилмоқда.

Кластер жамоаси ўз олдига корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш эвазига Ўзбекистоннинг жинси буюмлари жаҳон бозоридан мустаҳкам жой эгаллашга ҳисса қўшилиши бош мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун дунёдаги машҳур компаниялар билан ҳамкорликда энг кучли дизайнер-моделерларни олиб келиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттириляпти. Буларнинг барчаси кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони эканини амалда тўлиқ исботлаши мумкин.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Феруза ЖўРАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бир вақтлар биз учун ғайриодатий саналган технологиялар бугун ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Фан ва техника ютуқлари, олимларнинг изланишлари боис, бундай буюмлар ноодатий туюлмай қўйди. Муайян ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига инновацион ишланмаларни жорий қилиш, янги маҳсулотлар ва технологияларни олиб қиришда маҳаллий хусусиятлардан келиб чиқиб, унинг ўсиш нуқталарини қамраб олиш катта фойда беради.

— Жорий йилда вилоятимизда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан жами 10 миллиард сўмлик 16 та лойиҳа молиялаштирилиб, элликдан ортқ янги иш ўрни яратилди, — дейди Тошкент вилояти Инновацион ривожланиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Амир Обидов. — Илм-фан, тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида бир жойнинг инновацион ҳудудга айлантирилиши, ўз навбатида, унинг атрофидидаги ҳудудларнинг ҳам ривожланишига хизмат қилади. Оҳангарон тумани қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган, шунингдек, саноати ҳам ривожланган. Туманининг пойтахти Фарғона водийси билан боғлайдиган йўлда жойлашгани эса бу ерда жорий этилган инновацияларни кенг ёйишда қўл келади.

Инновацион ҳудудга айлантириш дастури доирасида қатор янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Улардан бири омихта ем ва ем қўшимчаларини ишлаб чиқариш билан чорва озуқа базасини яхшилаш лойиҳасидир. Чорвачилик — ҳудуднинг ўзига хос ўсиш нуқтаси. Уни янада ривожлантириш ўз-ўзидан озуқа базаси масаласи ҳал этилишини талаб қилади. Озуқа таннархи баландлиги ва сифати етарли даражада эмаслиги боис, ҳудуд раҳбарлари мана шу соҳага илм-фан натижаларини жорий этишга киришди.

ГРАНУЛА КЎРИНИШИДАГИ СИЛОС

Чорва озуқасининг нархи ва сифати гўшт таннархини белгиловчи муҳим омиллардан бири. Вилоятда хориждан импорт қилинадиган озуқа қўшимчалари ўрнига амалдаги усулдан икки-уч марта қўл, оқсиллиги ва сифати бўйича 3-4 маротаба юқори бўлган янги турдаги силос яратиш ва уни стрейч пўлканга ўраш технологиясини жорий этилди.

"Мирзали ота" фермер хўжалигига қарашли 5 гектар синов-тажриба майдонидида эйхорния ўсимлиги ўлкамиз иқлим шароитига мослаштирилиб ўстирилди ва улардан мутлақо янги турдаги грануларлар тайёрланди.

Яшил массани қуритиш жараёнида ўсимликлар таркибидидаги 70 фоиз фойдалаи моддалар йўқотилиш кузатилади ва ўз-ўзидан озуқа сифати пасаяди. Инновацион технология ёрдамида ўсимликлар сунъий усулда қуритилганда барча фойдалаи моддалар сақланиб қолади. Вилоятда 20 хил озуқабон ўсимликни сунъий қуритадиган технология жорий этилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати йилга 835 тоннани ташкил қилади. 1 гектар ердан 25-30 тоннагача тайёр маҳсулот олиш имконини берувчи лойиҳа қўшимча иш ўрни яратиши билан ҳам аҳамиятли. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли бу озуқабон ўсимликлар сут маҳсулдорлигини 10-15 фоиз оширади.

ЧЎЛЛАР ҲАМ БОҚҚА АЙЛАНДИ

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида адирлар мавжуд ва улардан унумли фойдаланиш муҳим масала. Янги лойиҳалар асосида олиб борилаётган ишлар натижасида сўғорилмайдиган ерларнинг сувга тўйиниши учун ёмғир ёғишини қутиб ўтиришга ҳожат қолмади. Ақромжон Шерматов бундай жойларни автоном тизим ёрдамида сўғорил лойиҳасини ишлаб чиқди. Бугунги кунда ғоя тўлиқ молиялаштирилиб, Ақромжон раҳбарлигида "Water Wells" МЧЖ томонидан амалиётга татбиқ этилмоқда. Замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, қуёш батареяларида ишлайдиган сув қудуқларини қуриш лойиҳаси, албатта, катта самара беради.




Жамият

yuz.uznews

yuz-official

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz_news



Жамият

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official

yuz.uz_news

yuz.uznews

yuz-official



ЁШЛАРГА ҚАНОТ, КЕЛАЖАККА МАСЪУЛ, ҲАР ИШДА КЎМАКЧИ

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси мудофасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг ҳам ўз мақсад ва вазифалари бор. Таъкидлаш жоизки, “Ватанпарвар” Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгиллилар жамиятининг (собиқ ДОСААФ) 1991 йил 23 ноябрда бўлиб ўтган VIII курултойи қарори билан ушбу ташкилот вориси сифатида ташкил этилган.

Бугунги кунда “Ватанпарвар” ташкилоти 14 та ҳудудий кенгаши ва 211 та муассасаси билан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимиз мудофасига кўмаклашиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

“Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши раиси Ҳусан БОТИРОВ бу борада эришилган натижалар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

— Бугунги Ўзбекистон ёшлари ўз фикрини очик баён қила оладиган, ангилкика ўч, изланувчан ва ихтиролар қилишга қодир инсон бўлиб вояга етмоқда. Бунни йигит-қизларимиз кўзида қақна турган шиддатдан, шижоатдан ҳам англаш қийин эмас, — дейди Ҳ.Ботиров. — Шу боис, ёшлардан умидимиз катта. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати тубдан ўзгариб. Аввало, уларни давлат раҳбарининг ўзи қўллаб-қувватлаб, ёшларга катта умид билдирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон ёшлари форумидagi нутқида ташкилотимиз ҳақида, жумладан, бундай деган эди: “**Бир пайтлар “Ватанпарвар” ташкилоти ёшларга нафақат ҳарбий соҳада, балки катта ҳаётда ҳам зарур бўладиган мусобақа ва спорт ўйинларини ташкил этарди, уларни техник касбларга ўргатарди. Шу сабабли йигит-қизларимиз ўртасида унга қизиқиш юқори эди. Афсуски, кейинги пайтларда унинг фаолияти сусайиб кетди. Ташкилотнинг аввалги нуфузини тиклашимиз зарур**”.

Шу танқиддан сун “Ватанпарвар” ташкилоти фаолиятига салбий таъсир кўрсатган омиллар чуқур таҳлил қилинди. Муаммоларга барҳам бериш, ташкилот зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажариш мақсадида янги тизим ва аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Бугун “Ватанпарвар” ташкилоти асосан, уч йўналишда фаолият юритмоқда. Биринчи йўналиш — юртдошларимиз, хусусан, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанга муҳаббат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини синдириш.

Ҳақиқий ватанпарвар, ўз юртини, элини севадиган йигит-қизларни тарбиялаш ҳар биримиздан, жамиятдан катта эътибор, алоҳида масъулият талаб қиладиган юксак вазифа. Бу йўлда ҳеч кимнинг, бир зум бўлса-да, бефарқ бўлишга ҳақи йўқ.

“Ватанпарвар” ташкилоти, ўз номи билан, ана шу мақсад-вазифаларни бажаришда олдинги сафда бўлиши зарур. Бунни кейинги йилларда яхши англаб етган жамоамиз Мудофаа вазирлиги ва ҳарбийлашган бошқа вазирлик, идоралар, тегишли муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтирди.

Жорий йил бошидан ҳозирга қадар мамлакат миқёсида мактабгача таълим тарбияланувчилари, мактаб, ўрта махсус таълим ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда уюшмаган ёшлар иштирокида маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида 3000 дан зиёд тадбир ўтказилди. Пировардида “Ватанпарвар” ташкилотининг бошланғич ташкилотларига 145 мингдан ортқ ўғил-қиз жалб қилинди.

Биз таълим муассасаларида, маҳаллаларда ёшлар билан учрашув чоғида англадикки, улар ташаббусларга муҳтож. Яъни оммавий тадбирларда, марфон, спорт мусобақаларида қатнашишни истайдиган ўғил-қизларимиз сони жуда кўп. Улар ҳар кунни бирор мусобақада иштирок этгиси келади.

Кейинги йилларда ҳарбий қисмларнинг фарзандларимиз учун очилгани, ҳарбий-ватанпарварлик ойлқилари доирасида турли кўргазмалар, ҳарбий техникалар намойиши ташкил этилаётгани ҳам айнаи мудоао. Лекин ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп.

Шу боис, таълим муассасаларида “Ватанпарвар” ташкилотининг ҳарбий-ватанпарварлик клубларини ташкил этишни режалаштирдик. Ушбу клубларнинг асосий мақсади ўсмирлар ва ёшларнинг Қуролли Кучларимиз таркибида ҳарбий хизматни ўташга иштиёқи, Ватанга садоқати ва ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини ошириш ҳисобланади.



СПОРТСЕВАР ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙўЛИДА

Иккинчи йўналиш — аҳоли, айниқса, ёшларни спортнинг ташкилот тизимидаги автокросс, мотоцикл, картинг, триатлон, дуатлон, ёғи биатлон, пневматик қуролдан ўқ отиш, денгиз кўпкураши, ҳарбий амалий кўпкураш, хизматчи итлар, авиа-модель, ракета-модель, кемамодель, радиоспорт каби техник ва амалий турларига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

Сир эмас, “Ватанпарвар” ташкилоти бир муддат куруқ ҳисоботлар асосида фаолият юритди. “Ватанпарвар” деганда фақат ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитадиган, қозғаларда тадбирлар ўтказадиган ташкилот кўз ўнгимизда намоеъ бўларди. Бугун фаолиятимиз том маънода янгича шакл ва мазмунда давом этмоқда. Бунда ёшлар



римиз хоҳиш-истакларини инobatга олишга эътибор қаратмоқдамиз. Ҳозир “Ватанпарвар” ташкилоти спортга қизиқувчи 9 мингга яқин ёшни қамраб олган. Бундан ташқари, парашют спорти бўйича 7 та спорт секцияси мавжуд бўлиб, уларда 117 нафар спортчи шугулланади.

2021 йилнинг ўтган даврида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 50 та мусобақа ўтказилди. “Ватанпарвар” ташкилоти Халқаро аэро-навтика федерацияси, Халқаро кемамодель, Халқаро триатлон, Халқаро биатлон уюшмалари ҳамда Осиё триатлон конфедерациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Бу каби нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, аввало, Ўзбекистоннинг имижини оширишга, шунингдек, ёшларимизнинг чет давлатлардаги тенгдошлари билан ўзаро беллашиб, дустона муносабатларини мустақкамлашга хизмат қилади. Юртимизда туризмнинг ривожланишига ҳам кенг йўл очилади.

“ВАТАНПАРВАР” — ЁШЛАРНИ КАСБА ҲАМ КЎМАКЧИ

Учинчи йўналиш — фуқароларни оммавий техник касбларга тайёрлаш.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган 2020 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон ёшлар форумидаги нутқида шахар ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарларига ҳар бир ҳудуд ва соҳа қесимида “Ватанпарвар” ташкилоти базасида ёшларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш вазифаси ҳам қўйилган эди.



Ўтган вақт мобайнида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. “Ватанпарвар” ташкилоти тасарруфидаги 211 та ўқув спорт техника клубининг автомобилотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида бир йилда ўртача 120-130 минг фуқаро ўқитилди. Бундан ташқари, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ, “Ватанпарвар” ташкилоти зиммасига ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш бўйича масъулиятли вазифа юклатилди.

Бу вазифа уч йўналишда бажарилмоқда. Жумладан, биринчи босқичда шу йилнинг апрель ойидан бошлаб фуқароларни “В”, “ВС”, “С”, “D”, “Е” тоифалари бўйича ўқитиш йўлга қўйилди. Иккинчи босқичда август ойидан техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш курслари ташкил этилиб, унда ёшлар 5 хил касбга — вулканизаторчи, электрик-аккумуляторчи, газ-электр пайвандчи, авточилангар, автоэлектрик мутахассисликлари бўйича ўқитилмоқда. Учинчи босқичда декабрь ойидан мураккаб техникаларни бошқариш мутахассисларини тайёрлаш курслари йўлга қўйилиб, уларда юк ортувчи транспорт, автогидроқутарувчи, юк машинаси крани, гилдиракли трактор, қовшпи экскаваторни бошқариш бўйича мутахассислар тайёрланиши кўзда тутилган.

“Ватанпарвар” ташкилоти эҳтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар, “Темир дафтар” ҳамда “Аёллар дафтари”даги оилалар фарзандларини оммавий техник касбларга имтиёзли ўқитишни йўлга қўйганмиз.

Ҳозирга қадар махсус дафтарларда рўйхатда турган 13 минг 735 нафар йигит-қиз “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидаги автомобилотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ўқишга жалб этилди ва 8052 нафари ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритди. Шунингдек, 1732 нафар йигит-қизга турли касблар имтиёз асосида ўргатилмоқда.

Эътиборлиси, машғулотларни олимлар, амалиётчи педагоглар ва муваффақиятга эришган тадбиркорлар ўтмоқда. Бу эҳтиёжманд ёшларнинг ўзига ишончи орттириш, билим ва малакага эга бўлиши, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топиши учун рағбат сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, ёшларнинг вақтини унумли ўтказиш ва улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида касбга тайёрлаш курсларида тахсил олаётган ёшлар пневматик қуролдан ўқ отиш, дуатлон, ёғи биатлон каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб этилмоқда.

“ВАТАНПАРВАР” — АСКАРЛАР ТАЯНЧИ

“Ватанпарвар” ташкилоти ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда ёшларимизни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича яна бир янги тизимни жорий этди. Яъни Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий гвардия билан ҳамкорлик меморандумини имзолади. Бу меморандумларга кўра, эндиликда Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар ихтиёрий равишда “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидаги автомобилотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида ва яна бешта касб бўйича ўқиш имконига эга бўлади.

Бу янгиликни ёшлар, уларнинг ота-оналари хурсандчилик билан қабул олди. Аввал мамлакатимиз ёшлари ҳарбий хизматга “Ватанимга хизмат қиламан”, деб борган бўлса, эндиликда “Ватанимга хизмат қиламан ва керакли касб эгаси бўлиб қайтаман”, деган ишонч билан армия сафига ошмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси мудофасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти халққа ҳар томонлама фойда келтириши қутилаётган яна қўллаб-қувватлаш амалга оширишни режалаштирган. Бунинг учун барча ҳуқуқий асослар ва имкониятлар етарли.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Абу Бакир ҲОЗОВ ёзиб олди.



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Фарғона шахрида Президент мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда умумий қиймати 80 миллиард сўмлик бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

— Бу йил 5-10-синфларга 144 нафар иқтидорли ўқувчи шаффофлик ва ҳолислик мезонлари асосида танлаб олинди. Кейинги йилдан мактабимизда 168 нафар ўқувчи таълим ола бошлайди, — дейди мазкур мактаб директори Ҳасанхон Ҳусанов. — Ўқувчилар ётоқхона, мактаб формаси, беш маҳал овқат, ноутбук билан таъминланган. 22 нафар маҳаллий ва Буюк Британия, Канада, АҚШ, Миср, Янги Зеландия, Зимбабве, Филиппин, Жанубий Кореядан келган 10 нафар педагог-мутахассис танлов асосида ишга қабул қилинди.

Синфхоналар ҳар бир фан учун махсус жиҳозланган. Хоналарга киришда ўрнатилган электрон доскада дарс жадвали, танаффус вақти, ўқитувчи ҳақида қисқача маълумот берилади. Дарслар яқунланган, ўқувчилар тур-



ли фан тўғаракларига қатнашишлари мумкин. Мухими, мактабда иқтидорли ўқувчилар ҳафтанинг беш куни давомида яшаб, тахсил олади.

— Президент мактаби учун педагоглар танловини эшитиб, ўз билимларимни синовдан ўтказиш истаги пайдо бўлганди, барчасидан муваффақиятли ўтдим, — дейди тарих фани ўқитувчиси Аҳрорхон Юнусов. — Юртимиздаги энг замонавий таълим даргоҳида фаолият бошлаганимдан, янги Ўзбекистон учун муносиб авлод — келажак етакчиларини тарбиялашга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Мактаб ва Миллий гвардия Фарғона вилояти бошқармаси ўртасида тузилган меморандумга кўра, ўқувчилар дарсдан сўнг камондан ўқ отиш, чавандозлик каби спорт турларида машғулотларда ҳам иштирок этади.

Президент мактабининг очилиши катта тантанага айланиб кетди. Унда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳасида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг бугунги ва эртанги кундаги аҳамияти алоҳида таъкидланди.

— Биз ишонамиз, Президент мактабидан Ибн Сино, Беруний, Фарғоний каби боболаримизнинг муносиб ворислари етишиб чиқади,

ТИЛ — МИЛЛАТ ФАХРИ

ҒУРУРИМИЗ, ШОНИМИЗ

шундай шиор остида мактабда ўтказилган тадбир ёш авлод қалбида она тилимизга бўлган меҳр ва ифтихор туйғуларини янада оширди

“Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади”, дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва ахборот тезкорлиги замонида тил ва ундаги мерос моҳиятини англамаган халқларда миллий қиёфа ва кадриятларнинг нураши борган сари тезлашади.

Инсоннинг ўзлигини англаши, қалбида миллий ғурур-ифтихор каби юксак туйғулар қарор топишида тилининг ўрни бениҳоя катта. Жамки эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она аллоси, она тилининг бетакор жозибаси билан сингади. Бинобарин, туркий тиллар оиласига мансуб қадимий ва бой ўзбек тилининг чинакам гўзаллиги оналаримиз аллоси, достону лапарларимиз, мумтоз куй-қўшиқларимиз, ғазалу рубойиларда яққон намоеъ бўлади.

Тошкент шаҳар Олмасор туманидаги 243-умумтаълим мактабида ўтказилган “Тил — ҳаёт сабони” номли тадбир ҳам ўқувчи қизнинг она тилимизда саҳнага кириб келиши билан бошланди. Сукунатга чўмган зал алла оҳангидан янада фрайзланди. Зеро, она ижросидаги алла ҳар қандай кишини тасвирлаштиради. Айтим муқимни, чақалоқ она қўсига талпинар экан, унда илк бор ўзини баргига босган таниш вужуд ва илқ нафас барбора-рида онасининг тилига ҳам қучли меҳр уйғонади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Тилга ихтиёр-сиз — элга эътиборсиз”, деган пурмаъно ҳик-

юртимиз шухратини яна дунёга таратади. Улар Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлади, — деди маросимда сўзга чиққан Фарғона вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров.

Рамзий тасма қирқилди. Тантана иштирокчилари таълим маскани ва бу ерда ўқиш бахти насиб этган ўқувчиларга зғу тилаклар билдирди.

Шунингдек, Андижон вилоятида ҳам Президент мактаби фойдаланишга топширилди. 168 ўринга мўлжалланган мактаб биноси ва ётоқхона, хорижлик ўқитувчилар учун 15 ўринли меҳмонхона бунёд этилди. Жорий йилда мактабининг 5-10-синфлари учун ҳужжат топширган 10 мингга яқин ўқувчидан 144 нафари ўқишга қабул қилинди. Мактабга 11 нафар чет эллик мутахассис танлаб олинди. Шунингдек, тажри-

баи ва малакали 22 нафар маҳаллий ўқитувчи ҳам жалб қилинди. STEAM ёндашувига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланди. — Мен бир айланиб ёш бўлиб қолсам, албатта, мана шундай таълим даргоҳларида тахсил олардим, — дейди Шахрихон туманидаги 44-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қҳрамони Камолиддин Ғопиров. — Яратилган шароитларни қаранг. Замонавий ахборот технологиялари, шинам хоналар, ётоқхона, спорт майдонлари... Бугун ёшларимиз дунёга чиқмоқда. Уларнинг интилиши, шижоатини кўриб, тўғриси, ғурурлангани. Янги авлод, янги Ўзбекистон бунёдкорлари учун яратилаётган шароитлар очиги, ҳеч қайси бир мамлакатда йўқ.

Учинчи Ренессанс мактаб оstonасидан бошланиши айнаи ҳақиқат. Таълимга инновацион ёндашиш, дунёнинг илгор тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш, таълимга қиритилаётган сармоялар яқин истиқболда, албатта, ўз самарасини беради.

Расулжон КАМОЛОВ,
Ғайратбек СИРОЖИДДИНОВ

ТИЛ — МИЛЛАТ ФАХРИ

ҒУРУРИМИЗ, ШОНИМИЗ

шундай шиор остида мактабда ўтказилган тадбир ёш авлод қалбида она тилимизга бўлган меҳр ва ифтихор туйғуларини янада оширди

“Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади”, дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва ахборот тезкорлиги замонида тил ва ундаги мерос моҳиятини англамаган халқларда миллий қиёфа ва кадриятларнинг нураши борган сари тезлашади.

Инсоннинг ўзлигини англаши, қалбида миллий ғурур-ифтихор каби юксак туйғулар қарор топишида тилининг ўрни бениҳоя катта. Жамки эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она аллоси, она тилининг бетакор жозибаси билан сингади. Бинобарин, туркий тиллар оиласига мансуб қадимий ва бой ўзбек тилининг чинакам гўзаллиги оналаримиз аллоси, достону лапарларимиз, мумтоз куй-қўшиқларимиз, ғазалу рубойиларда яққон намоеъ бўлади.

Тошкент шаҳар Олмасор туманидаги 243-умумтаълим мактабида ўтказилган “Тил — ҳаёт сабони” номли тадбир ҳам ўқувчи қизнинг она тилимизда саҳнага кириб келиши билан бошланди. Сукунатга чўмган зал алла оҳангидан янада фрайзланди. Зеро, она ижросидаги алла ҳар қандай кишини тасвирлаштиради. Айтим муқимни, чақалоқ она қўсига талпинар экан, унда илк бор ўзини баргига босган таниш вужуд ва илқ нафас барбора-рида онасининг тилига ҳам қучли меҳр уйғонади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Тилга ихтиёр-сиз — элга эътиборсиз”, деган пурмаъно ҳик-

Малика ОЛТИБОЕВА



МАДАНИЙ МЕРОС

2021 йил 30 октябрь, 217-сон

НИГОХ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МАЪНАВИЯТ

ГЎЗАЛ КУНЛАР КЕЛИШИ КУТИЛМАЙДИ

у томон дориларди

Шавкат МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)



Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси, мафкуравий юксаклиги билан ривож топган. Зотан, “Маънавият” тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса ҳисобланади.

Эътироф этиш жоиз, сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишловлар ва бунёдкорлик ишлари халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi ўзгаришига икковий таъсир кўрсатяпти. Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилга асосланган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳалларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш ишлари олиб боришмоқда.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бундай таъкидлади:

“Биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамлилик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умминсоний қадриятлар тарбиясини тушунашим. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”.

Чиндан ҳам халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган қомил ва заковатли фарзандлари, уларнинг илмий-маънавий мероси билан ҳам бошқа халқлар орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган.

Шарқона таълим-тарбияга хос ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, илм-маърифатга интилиш, ўзидан яхши ном қолдириш каби ғоялар бугун ҳам қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Гўзал кунлар келишини кутма, у томон қараб юр”, деган умрбоқий сатрлари мавжуд. Ўзбекистондаги янги Ўғонмиш жараёни ҳам айна шу тамойилга асослангани, эзгу ниятлар амалга ошадигани янада кўтаринкилик, шижоат бахш этди.

Бугун янги Ўзбекистон тарихи зарваракларига битилаётган бир жумла — “Учинчи Ренессанс” сўзининг таг замирида улуг бир эзгуликни, буюк бир кучни англаш мумкин. Зеро, ренессанс — ўғонмиш, илмда собит бўлиш, маърифатни англаш, маънавиятни юксалтириш демакдир. Бугун биз ана шундай кўтлуг бир даврда, дунёга янги Ўзбекистон номи билан танилаётган муқаддас заминда, учинчи Ренессансга пойдевор қўйилганди.

Бу борада мамлакатимизда илм-фани янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш борасида бошлаган ишларимизни замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилди. Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш — биринчи даражали аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислохотлар узвий давом этиб, 2020 йил 29 декабрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг қўламли ишловлар амалга оширилиши бошланди. Ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши

учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилга эса “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берилгани ҳам ёшлар маънавиятини юксалтириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Зеро, ёшлар таълим-тарбияси, маънавий қиёфаси жиддий вазифа ҳисобланади. Чунки бугунги кун ёшлари ўзига хос “оммавий бўҳронлар” кескин тус олган даврда яшамоқда. Фарбдан кириб келган “оммавий маданият” деб аталувчи ёт тушунчалар урф-одатларимиз, менталитетимиз билан аёвсиз кураш олиб борапти.

Ҳиндистон ўлкасининг озодлиги, тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк давлат ва жамоат арбоби Махатма Гандига “Глобаллашув жараёнига сиёсий муносабатингиз қандай?” деган савол билан мурожаат қилишганда у шундай жавоб қайтарган экан: “Мен ташқарида бўрондан қўрқиб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан деб деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман,



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

чунки мени уйимни чанг-тўзон босиб кетишини хоҳламайман”.

Чуқур мантиқ ва мушоҳадага қорловчи маъкур жумлалар моҳиятига назар ташлайлик. Мамлакатимиз эришган бир қатор ютуқларга “соя солувчи”, тараққиётимизга ҳасад билан қарайдиган кучлар йўқ эмас. Бу уларнинг глобаллашув даврида ғоявий таъсир этувчи усуллардан фойдаланишга уринаётганини аққол кўрсатади. Улар орийат, ор-андиша каби инсоний фазилатларга маънавий таҳдид солиш орқали ахлоқсизлик, беҳаёликни тарғиб этишни мақсад қилган.

Таассуфки, “оммавий маданият” никоби остида миллий ўзлигимизга зид ҳолатларга гувоҳ бўлялмиш. Масалан, куча-қўйда баданига турли нақшлар, безаклар қизиб олган йигит-қизларни учратиш кам-ёб ҳодиса эмас. Уларнинг глобаллашув ўзбек фарзандлари ҳам борлиги жуда ачинарли. Ваҳоланки, бу маънавий жиҳатдан ҳам, саломатлик нуқтаи назаридан ҳам фақат зарар келтиради.

Бу каби “оммавий маданият” кўринишлари, вақтинчалик хузув-ҳаловат учун инсоний фазилатларни оёқости қилиш охир-оқибат таназзулга олиб бориши шубҳасиз. Маънавиятимизга, иймон-этиқод, жисмимизга зарар келтиришдан бошқа нарсасига ярамайдиган бу каби амаллар, одатлардан ўзимизни ва энг асосийси, фарзандларимизни асрашимиз керак.

Жангарилликка, зўравонликка қорловчи турли компьютер уйинлари, беҳаёлик, фахшн тарғиб қилувчи фильмлар, маъно-мазмунсиз қўшиқлар, чет эл телеканалларининг айрим кўрсатувлари, интернет ва ундаги турли ижтимоий тармоқлар, исрофгарчиликка йўл қўйилган тантана-

лар миллий ўзлигимиз бўлган маънавий пойдеворимизга раҳна солмоқда.

Шундай экан, инсон ўзида бундай маданиятга қарши иммунитетни қандай тарбиялаши ва бунинг учун нима қилиши зарур? Минг йиллик синовлардан ўтган асрий қадриятларимиз, урф-одатларимизни яхши билиш ва амал қилиш даркор. Ана шундагина турли ғоялар, шубҳали “маданиятлар” таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашининг олди олинади.

Юртимизда ёшлар тарбияси, маънавият ва маърифат масаласи, миллий қадриятлар ва тарихни ўрганишга бўлган эътибор доимий кун тартибидан жой олиши шарт. Зеро, Президентимиз бугунги ёшларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгани ҳам бежиз эмас: “Ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, оилавий ажралишлар, бузғунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиб ҳолатлари давом этаётгани, давлат раҳбари сифатида шахсан мени жиддий ташвишга солмоқда. Ўтган 5 ойда 7 мингдан зиёд ёшлар жиноят содир этгани, ҳозирги вақтда қарийб 40 минг нафар ёш профиллактик ҳисобда тургани хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатмоқда”.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига бир қулниқ эътиборсизлик, талабчанликнинг бир лаҳзалик сусайиши ҳам жиддий муаммоларга олиб келади. Бу сабоқ, айниқса, бугун — ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё микёсида кучаяётган бир пайтда янада долзарб бўлиб бораётди.

Дунё илм-фанида эътироф этилган алломаларимиз ҳам илм чўққиларини эгаллабгина қолмай, маърифатни кенг тарғиб этган. Улар мамлакатни, халқни миллий зулм ва маърифий қолоқликдан ҳалос этишининг янада йўли маърифатда деб билишган. Хусусан, Абдулла Авлонининг “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир”, деган ғояси



асарлари, майда пластик ҳайкалтарошлик буюмлари хорижий меҳмонлар учун совға бўлибгина қолмай, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, маданиятимиз тарғиботи учун ҳам муҳимдир.

Биз ҳайратда қолдик...

— Ангрен шаҳри тарихи музейида миллий сувенирлар фестивали ўзига хос ўтказилди, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Ангрен шаҳар бўлими раҳбари Абдулла Сулаймонов. — Тадбирда вилоятда ижод қилаётган хунарманд ёшлар, уста кулоллар, Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, шунингдек, каштачиликда таниқли бўлган сулолар вакиллари, рассомлар ўз ижод намуналари билан иштирок этди. Фестивалда қатнашган хорижий меҳмонлар ҳайратларини яшира олмадилар.



— Миллий хунармандлик намуналари ва, айниқса, матога қўлдан тўқилган ижод намуналарини кўриб, тўғриси, ҳайратда қолдик, — дейди французиялик сайёх Николя Гояр. — Яқинларимизга эсдалик совға сифатида улардан харид қилдик. Бундай фестивалларнинг бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказилиши халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳнатсеварлигидан далолат беради.

Чиндан ҳам фестиваль доирасида намойиш этилган кулоллик



Бухоро шаҳрининг Нодир девонбегии мадрасаси ҳудудида бўлиб ўтган фестивал қарнай-сурнай садолари остида бошланиб, санъаткорлар томонидан қироили қуй-қўшиқлар ижро этилди, шундан сўнг театрлаштирилган сахна кўриниши билан давом этди. Сўзана ва адрас усталари ўзларининг юздан ортиқ ижод намуналарини тақдим қилдилар.

Фестиваль якунида иштирокчилар эсдалик совғалар, диплом ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳриратга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан йўриқатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3519.

76222 нуқсадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмохонасида чоп этилди.
Босмохона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмохона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Алъютдинова
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22.00 Топирилди — 00:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru